



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (13.860)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 21 январь куни Берлин шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ҳамда Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар ўтказди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мюнхен шаҳрида Бавария федерал ўлкаси Бош вазири Маркус Зёдер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобида дастхат қўйди.

Германиянинг жануби-шарқда жойлашган Баварияда 12,9 миллион аҳоли яшайди. Ушбу ўлка мамлакатнинг майдони бўйича энг йирик ва аҳоли сони бўйича иккинчи субъектидир.

Бавария Германиянинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ҳудудларидан бири бўлиб, унинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 600 миллиард еврога яқин. Бу Европа Иттифоқига аъзо ақсарият давлатлар ЯИМидан кўп. Германияда ишлаб чиқарилаётган авиа ва аэрокосмик техниканинг қарийб ярми, тўқимачилик маҳсулотларининг 43, электроника товарларининг 27, машинасозлик соҳасининг 18, металлургия маҳсулотларининг 12 фоизи ушбу федерал ўлка ҳиссасига тўғри келади.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Президенти Маркус Зёдерни Германия Христиан-социал

иттифоқи партияси раиси этиб сайлангани билан табриклаб, унинг ушбу мартабадаги фаолияти икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашишига ишонч билдирди.

Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Президентимиз Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар давомида ўзаро аниқлашувга эришилгани ва ҳамкорлик лойиҳалари қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Бавария Бош вазири Маркус Зёдер Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мюнхенга ташрифидан мамнун эканини билдириб, Германия билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши, савдо-иқтисодий соҳадаги самарали ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири бўлишини қайд этди.

Мамлакатимизнинг Бавария билан муносабатлари узоқ тарихга эга. Тарихчи И.Шилтбергернинг Амир Темур ҳузурда бўлгани тўғрисидаги ёзма хотиралари халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар тилга олинган илк ҳужжатли манбалардан биридир.

Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига илғор немис технологияларини янада кенг жорий этишдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

Маданий-гуманитар алоқалар, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли қорхоналар очиш, транспорт-логистика ва туризм инфра-тузилмасини модернизация қилиш, савдо-сотиқ ва қўшма лойиҳаларни биргаликда молилаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бавария Бош вазири Президент Шавкат Мирзиёевга Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги лойиҳалари ва таклифларига кўрсатилган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли бизнес шерикликдан гоят манфаатдор эканини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Бавария Бош вазирига "Ўзбекистоннинг маданий мероси Германия коллекцияларида" китоб-альбомини совға қилди.

Абу Бакр ҲУРОЗОВ,  
ЎЗА махсус мухбири  
Мюнхен



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган вилояти Уйчи туманида Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия марказий ва вилоят кенгаши вакиллари, депутатлар, тумандаги давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, қорхоналар раҳбарлари, ёшлар иштирок этди.

● Шимоли-ғарбий ҳарбий округи Нукус гарнизонида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар органлари ихтисослаштирилган ўқув-амалий машғулотларининг дастлабки дарслари бошланди.

● Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси "Сариосиё" темир йўл божхона постида Хитой Халқ Республикаси гранти асосида жиҳозланган ва қиймати 36,8 миллион сўмлик инспекцион-кўрик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур замонавий мажмуа божхона пости техник салоҳиятини мустаҳкамлаб, юкларнинг самарали божхона кўригини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Божхона назорати сифатини ошириб, вақтни тежайди.

● Термизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ёшлар кутубхонаси" лойиҳаси доирасидаги "Китоблар қарвони" тантанали кутиб олинди. "Ёшлар кутубхонаси" лойиҳасига мувофиқ, пойтахтдан йўлга чиққан "Дамас" русумли 28 автомашина том маънода китоблар қарвонини ташкил этиб, Сурхондарё вилоятига 33 минг нуска китоб билан кириб келгани китобсевар ёшлар учун ҳақиқий байрамга айланди.

### ЖАҲОНДА

● Чили қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 6,7 балли зилзила содир бўлди. Зилзиланинг тарқалиш маркази 53 метр чуқурликда эканлиги қайд этилган бўлиб, кучли ер қимирлашдан сўнг яна 60 марта кичик ер силқинишлари кузатилди. Зилзила натижасида 200 минг киши электр қувватидан узилиб қолди, икки нафар кекса одам юрак хурчидан вафот этди.

● Франциянинг тоғ тепасида жойлашган машҳур қурортларидан бири бўлмиш Куршавелда 60 нафар вазирлик хизмат кўрсатувчи ходимлар жойлашган кўп қаватли бинода ёнғин чикиб, тезда тарқалиб кетиши натижасида икки киши ҳалок бўлди, 25 нафар одам кутқариб олинди. Жабрланганлар вертолётларда касалхоналарга етказилган бўлиб, улардан тўрт нафари оғир аҳволда. 130 дан ортиқ ўт ўчирувчилар тўрт соат давомида кучли ёнғинни жиловлашга эришилди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

● Мексика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, мамлакатдаги қувур ўтказигида рўй берган портлаш натижасида сўнги маълумотларга қараганда 85 киши ҳалок бўлган, 70 дан ортиқ одам жароҳатланган. Портлаш қувур ўтказигига чоқунли тарзда улашиш пайтида юз берган.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджетни бошқармасини ташкил этиш, парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Давлат бюджетни бошқармасининг ташкил этилиши бюджет ижросини парламент томонидан йил мобайнида назорат қилиш имконини бериш, ҳукуматнинг парламент олдидаги ҳисоботи жараёнида депутатларнинг давлат бюджетни ҳақидаги маълумотлар билан янада кўпроқ хабардор бўлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилишга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги қайд этилиб, бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун Олий Мажлис қосида Давлат бюджетни бошқармасини ташкил этиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Тадбирда депутатлар Мурожаатномадан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида палата томонидан Давлат бюджетни бошқармасини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берди. Жумладан, Давлат бюджетни бошқармасининг Низоми, унинг ташкилий тузилмаси ҳамда Парламент палаталарининг қўшма қарори лойиҳалари тайёрлиниб, сиёсий партияларнинг фракциялари, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, кўмиталар ва комиссияларда қизгин муҳокама қилинаётгани қайд этилди.

— Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда ҳисоб-китобларнинг аниқ, ошқоралигини таъминлайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Сиддик Абдубакиев. — Бундан ташқари, давлат бюджетни даромадларининг шаклланиши ва ижроси, харажатларининг тўғри режалаштирилиши, тақсимланиши, мақсадли шилатилишини таҳлил қилишга хизмат қилади. Уйлайманки, депутатларнинг бу борадаги фаолияти келгусида соҳа ривожига катта ҳисса қўшади. Парламент ва ҳукумат ўртасидаги бюджет ахбороти алмашинувини яхшилаш, уларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда иштирокчилар Олий Мажлисининг Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари устидан парламент назоратини амалга оширишдаги ахборот таҳлилий фаолиятини такомиллаштириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали механизмларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирди. Қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳокимият вакиллик органларининг очиқлигини таъминлашга қаратилган "Электрон парламент" тизими лойиҳасини амалга ошириш борасида фикр-мулоҳазалар тинланди.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ижтимоий тараққиётнинг глобал ва устувор тамойилларидан бири – инсон фаолияти барча босқичларида, жумладан, фан ва таълим соҳаларида намоён бўладиган интеграция жараёнидир.**

Ўзбекистон билан Германия ўртасида фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, германиялик олимлар, илмий доира вакиллари азалдан юртимиз тарихи, миллий урф-одат ва анъаналарига катта қизиқиш билан қараган. Ўз навбатида, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ҳам Германиянинг ўтмиши ва замонавий ривожланиш йўли, ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ўрганишга алоҳида аҳамият берган.

Шу ўринда "Марказий Осиё" атамаси биринчи марта таниқли немис олими Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли "Марказий Осиё тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимларини таққослаш" асарига қўланилганини эслаш ўрнили. Унда олим ички суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиш асосида Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида тасвирлайди. Шундан сўнг "Марказий Осиё" тушунчаси бугунги кунга қадар географик атама сифатида қўлланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Германия таълим ва касбга йўналтириш, илм ва илмий тадқиқотларга кенг эътибор берадиган давлат сифатида танилган. Буни Нобель мукофоти соҳибларининг 91 нафари ушбу давлат вакиллари экани ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 800 дан ортиқ талаба-ёшлари, илмий тадқиқотчилари Германия олий таълим муассасаларида таълим олаётганини ҳам айни шу билан изоҳлаш мумкин. Илғор хориж тажрибасини ўрганиб, турли соҳалардаги замонавий технологияларни Ўзбекистонда жорий этишни мақсад қилган ёшлар учун бундай имкониятлар мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда Германия академик алмашувлар хизмати, Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармаларининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик бўйича институти ташкилотлари томонидан яратилмоқда.

Кейинги йилларда таълим ва илм-фан соҳасига қаратилган юксак эътибор, жумладан, ёшларнинг халқаро меъёрлар асосида билим олиши учун яратилган қулай шароит, илмий-тадқиқот лойиҳала-

рини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами Германияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу мамлакатларимизнинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янги босқичда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи олдида Берлинда Ўзбекистон – Германия маданий ҳамкорлиги бўйича қўшма комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Бу икки давлат ўртасида гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Комиссия мажлисида мамлакатимизнинг Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Маданият вазирликлари, шунингдек, Фанлар академияси вакиллари, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси қатнашди. Германия томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Германия академик алмашув хизмати ва Гёте институти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда фан ва маданият, олий таълим, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунара таълими, немис ва ўзбек тилларини ўрганиш, оммавий ахборот воситалари ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик, маданий ёдгорликлар ва маданий қадриятларни тиклаш каби йўналишларда икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу йўналишларда ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувларга эришилди.

Германиялик ҳамкорлар Тошкент шаҳридаги 60-умумтаълим мактабига Гёте, Бухоро шаҳридаги 4-умумтаълим мактабига Иоганн Кристоф Фридрих фон Шиллер ва Самарқанд шаҳридаги 51-умумтаълим мактабига Вильгельм фон Гумбольдт номлари берилганини катта мамнуният билан қайд этишди. Мажлис якуни бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Германиянинг маданий, илмий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш, барча даражадаги иштирокчиларнинг бево-сиба учрашув ва музокараларига кўмаклашиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сирожиiddин МИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси вице-президенти

## ҚИСҚА САТЛРДА

- "Davreestr. Uz" нормалида масофадан туриб Тошкент шаҳри бўйича Қўшма мулк давлат реестрининг маълумотнома олиш имкониятини тақдим этувчи янги хизмат ишга туширилди.
- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Asaxiy. Uz интернет дўкони иштирокчилари ҳамкорлигида "Asaxiy books" лойиҳаси доирасида

сотувага чиқарилган китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

- Тошкент ахборот технологиялари университетида ўзбек-беларус қўшма ахборот технологиялари факультети ташкил этилди.
- Яккасарой туманидаги 335-мактабга таълим муассасасида давлатимиз раҳбарининг "Мактабга таълим тизimini бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

● Сергели туман ҳокимлигида хонадонларда ис газидан заҳарланиш ҳолатининг олдини олиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

● Тошкент телеинорасида сайёҳлар учун миллийлигимизни тарғиб қилувчи экспонатлар галереяси очилди.

● Учтена туманидаги 23-оилавий поликлиникада "Она-бола саломатлиги — доимий ҳимояда" мавзусида ёш оналар иштирокида давра суҳбати уюштирилди.



Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича белгиланган қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жумладан, биргина жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди иш юритувида 2018 йил давомида жами 590 нафар шахсга нисбатан 457 та жиноят ишлари келиб тушди. Улардан 558 нафарининг 435 та жиноят иши қўрилиб, шундан 472 шахсга нисбатан 352 та ҳукм чиқарилган бўлса, 86 нафар шахсга нисбатан 83 та жиноят иши тугатилган, ҳисобот даврида тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари умуман қўлланилмаган. Ҳукм чиқарилган иккита жиноят иши бўйича бир нафар шахс оқланган.

Суд фаолиятини шаффофлигини таъминлаш мақсадида ўтган йил давомида жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди томонидан жойларда 86 мартаба турли тадбирларда маъруза қилиниб, 65 мартаба телевидение ва радио, босма нашрлар, веб-сайтларда чиқиш қилинди ва 227 мартаба сайёр суд мажлислари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқарраллиги принципларига қатъий амал қилмоқда. Хусусан, ёшлар орасида гиёҳвандликнинг авж олишига сабаб бўлаётган жиноятларни қўриб чиқишда қонун устуворлигини таъминлаётгани, бу каби зарарли иллатлар янада камайишига олиб келмоқда.

Мисол учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман суди оқик суд мажлисида судланувчи Д.Соипов, З.Толипов, Б.Аноров, У.Андреевларга (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) тегишли бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид қўйидаги жиноят иши қўриб чиқилди.

"Шарк" йўл патруль масканида олиб борилган тезкор-тадбир вақтида "Спарк" автоуловидан Д.Соипов, З.Толипов, Б.Аноров томонидан тоғли худудларга дам олиш вақтида истеъмол қилиш учун олиб кетилаётган гиёҳвандлик моддаси борлиги гувоҳлар иштирокида аниқланган. Маълум бўлишича, улар мазкур гиёҳвандлик моддасини Яққасарой тумани Ш.Руставели ва Қўшбеги кўчалари кесимчалари яқинидаги дўкон олдида У.Андреевдан сотиб олишган.

Жиноят ишида судланувчилар — Д.Соипов, З.Толипов, Б.Аноров, У.Андреевларнинг айблари жиноят ишида тўпланган аниқ далиллар билан тасдиқланди ҳамда улар қонунбузарлик содир этганликларига иқрор бўлишди. Суд мазкур фуқароларга жазо тури ва миқдорини белгилашда, оdatдагидек, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқарраллиги принциплари асосида ҳукм чиқарди.

Б.УТАМУРОДОВ, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди судьяси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Маълумки, барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизда фуқаролик жамиятига асосланган эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг қўлланма амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар халқаро ҳамжамияти томонидан ҳам ижобий баҳоланган. Кези келганда таъкидлаш лозимки, дунё ОАВларида "Ўзбекистон таърибаси" деган атама ҳам пайдо бўлди ва энди айрим давлатлар баъзи жиҳатларини биздан ўрганишга интиляпти.

Албатта, ҳуқуқий демократик жамиятнинг асоси фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳуқуқий маданият фақатгина Конституция ва бошқа мезърий ҳуқуқий ҳужжатларни билиш билан эмас, балки уларга амал қилиш, ҳурмат кўрсатиш билан белгиланади.

Ҳақиқатан ҳам, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият қанчалик юксакликка бўй чўзса, одамларда мавжуд қонунларимизга бўлган ҳурмат туйғуси шунчалик юқори бўлади. Акс ҳолда бугун юқори мақсадларни қўзлаб барча тармоқларда амалга оширилаётган ислохотлар қутилган натижаларни бермаслиги кундек равшан.

Тан олишимиз керак, маъсул раҳбарларнинг Конституцияга тўла амал қилмаслиги, фуқароларимизнинг кундалик ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ оддий

Тошкент шаҳар ҳоқимлигида "RIMC HOTELS AND RESORTS" КОМПАНИЯСИ ПОЙТАХТДА ДИСНЕЙ-ЛЕНД ҚУРИШ ТАКЛИФИНИ БИЛДИРДИ

Тошкент шаҳар ҳоқими Жаҳонгир Ортиқўжаев ҳамда Германиянинг "RIMC HOTELS AND RESORTS" компанияси раҳбари Герт Прантнер иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Тошкент шаҳрида туризмини ривожлантириш ва компания билан ҳамкорлик ўрнатилиш хусусида сўз юритилди. Ҳамкор компания раҳбари пойтахтда замонавий меҳмонхоналар, савдосотиқ ҳамда Дисней-ленд каби кўнгилочар марказларнинг қурилишига кизиқиш билдираётгани ҳақида таъкидлаб ўтди.

Ийгилишида компания ва ҳоқимлик ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш таклифи ҳам киритилди. Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун истиқболли таклифлар ишлаб чиқилди.

Маълумот учун айтиш керакки, 30 йиллик тарихга эга компания дунё миқёсида етакчи халқаро меҳмонхоналар оператори ҳисобланади.

ТАДБИРКОР ВА ИНВЕТОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрига ташрифи давомида Мирзо Улуғбек туманида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳар бир лойиҳани чуқур таҳлил қилиш, бунда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, кадрлар маъсулиятини ошириш ва бажарилаётган ишлар юзасидан маълумот тақдим этиб бориш тўғрисида тавсиялар берилган эди.

Бу борада белгиланган вазифалар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан Мирзо Улуғбек тумани ҳоқими Шавкатбек Иргашев тадбиркор ва инвесторлар билан учрашди.

Очиқ ва шаффоф тарзда ўтказилган учрашувда 2019 йил туманда амалга оширилиши белгиланган жами 33 та инвестиция лойиҳасини

бажариш давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш ва инвесторларга ҳар томонлама кўмаклаштириш, кўзланган режаларни белгиланган муддатларда бажариш бўйича ўзаро келишувларга эришилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш негизидан 2 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш белгиланган.

Тумандаги ишчи гуруҳи томонидан лойиҳалар атрофида ўрганиб чиқилиб, уларни амалга ошириш ёки алмаштириш бўйича аниқ таклиф киритилиши таъкидлаб ўтилди.

Ҳар бир инвестор ўз лойиҳаси доирасида маълум бир маблағни ажратди, аммо лойиҳа бажарилиши орқамида чўзилиб кетиши оқибатида ажратилган ҳудуд қаровсиз ҳолга келиб қолади. Бу эса ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли учун муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай ҳолларга тушиб қолмаслиги учун ва ҳар бир лойиҳа ўз вақтида бажарилиши туман ишчи гуруҳи назоратида бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашув натижасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Н.УСМОНОВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси "Давергоокадстр" кўмитаси томонидан "Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизациялаш" лойиҳаси ва кўзланган натижалар, шунингдек, давлат ҳамда фуқаролар учун қўйилаётган наф мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

КЎЧМАС МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ АКЦИЯСИ

Тадбирда модернизациялаш лойиҳасининг асосий вазифалари муҳокама этилиб, унда кўчмас мулк ҳужжатлари билан ишлаш мобайнида дуч келинаётган муаммолар таҳлил қилинди. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олишнинг мавжуд қозғоли тизимини геоахборот ва веб технологиялари электрон ҳукумат тизими сифатида қўллаш асосида замонавий ва интеграллашган шаклини яратишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қўрилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлт акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ижросини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди.

Унга мувофиқ умумдавлт акцияси доирасида мазкур фар-

мон қабул қилингунга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмаддан қурилган яққа тартибдаги уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланган эди.

— Фуқароларга ўзбошимчилик билан эгалланган ерларга ҳамда қурилган бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи бўйича асосий 2 та ҳужжатни давлат хизматлари агентлигига тақдим қилиши керак. Биринчиси, фуқаронинг паспорт нусхаси, иккинчиси маҳалладан айнан ўзи эгалик қилаётган ҳамда ўзбошимчилик билан бинодан фойдаланганлигини тасдиқловчи маълумотнома талаб этилади, — дейди кўмита мутахассиси Азиза Мингаева.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, умумдавлт акция доирасида кадастр хизмати дастури жорий йилнинг 1 майига-ча давом этади.

З.ШАРИФЖОНОВ

"КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ" ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришдир.

Фармонда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётгани, узок йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг иштироки етарлича даражада таъмин-

ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочили" кўрак нишони тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича

олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилди.

Фармонда фарзандларимизни боғча ёшдан бошлаб ҳуқуқий билимларини шакллантириш ва умумтаълим мактаблари, академик лицей, олий ўқув юртралида эса уни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қилиниши лозим бўлган вазифалари белгиланди. "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди. Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг ёритилиши таъминланиши лозимлиги, шу мақсадда 2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминлаш, 2020 йил 1 январга қадар эса Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ яқунлаш белгиланди.

Умуман, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деб номланган умуммиллий тамойилни доимо қўллаб-қувватлаб келган ва ушбу Фармон бу борада бизга дастуруламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Гулбаҳор ҚУЛМАТОВА, Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши депутаты

Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ ВА ЧАКАНА САВДО ИШЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада 2018 йил январь-декабрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 48 361,8 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 110,6% ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда қу-затилмоқда. Валюта сибсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлари кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,2% ўсиб, 11 732,6 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улushi 24,3% ташкил қилади).

2018 йил январь-декабрь ойларида транспорт хизматлари ҳажмини оширишга таъсир қилган омилларидан бири йўловчи ва юкларни ташиш хизматлари бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улусни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (59,0%) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юклардан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшикка-ча" етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшила-ниши алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг оши-ришига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хиз-матларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,6% ўсиб, 4 956,2 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизмат-лардаги улushi 10,2% ташкил қилади).

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида 29499,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,4% ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана сав-до айланмаси ҳажми 7229,1 млрд. сўмини ёки ўтган йил-нинг мос даврига нисбатан 117,8% ни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо ай-ланмаси ҳажми 22270,4 млрд. сўмини ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,8% ни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 6383,8 млрд. сўм ёки 99,9% ни ҳамда норасмий сек-тор 15886,6 млрд. сўм ёки 102,7% ни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳаж-мида катта улусга эга бўлган Чилонзор (16,9 фоиз), Учтепа (13,1 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (12,2 фоиз), Бектемир (12,0 фоиз) ва Юнусобод (11,1 фоиз) туман-лари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижо-бий таъсир кўрсатди.

Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 11,8 млн. сўмини ташкил этди. Уртача жон бошига товар айланма-сининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (104,7 млн. сўм), Чилонзор тумани (20,6 млн. сўм), Яққасарой тумани (14,7 млн.сўм) қузатилди.

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган sanoat корхоналари томонидан 42 600,9 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,9% ни ташкил этди.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асо-сий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoat ҳажмининг 8,0% га, тоғ-қон sanoati ва очик конларни ишлашнинг — 2,9 баробарга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 3,8% га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқинди-ларни утилизация қилишнинг — 2,3% га ўсиши ҳисобла-нади.

Худудларнинг sanoat ишлаб чиқариши Тошкент ша-ҳрида sanoat корхоналарини модернизация қилиш, тех-ник ва технология қайта жиҳозлаш борасида амалга оши-рилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сиф-фатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри sanoat ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улус Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри sanoat ишлаб чиқа-риш ҳажмининг 12,7% улусини), Мирзо Улуғбек туман-и (11,6%), Олмазор тумани (11,4%), Шайхонтоҳур тумани (10,8%) ва Сергели тумани (9,7%), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунинг билан бирга энг кам улус Яққасарой (4,7%), Учтепа (6,3%), Миробод (7,0%), туманларига тўғри келади.

Бунда Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Миробод (117,6%), шунинг-дек, Яққасарой тумани (115,3%) ва Сергели туманла-рида (112,0%) қузатилмоқда.

Sanoat ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуси дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойда Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқа-ришда кичик бизнеснинг улуси — 72,9% ни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг sanoat маҳсу-лотлари ишлаб чиқаришда энг юқори улуси Олмазор тумани (жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуси 91,4%), Учтепа (91,1%), Яққасарой (90,2%) ва Юнусобод (87,1%) туманларида қузатилди.

Шу билан бирга, энг кичкина улус Миробод (45,2%), Мирзо Улуғбек (46,2%) ва Шайхонтоҳур (56,2%) ту-манларида қузатилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси



## ЖАМИЯТ ТАРАҚИЁТИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Ўтган 2018 йил ислохотлар, ўзгаришларга бой йил бўлди. Йил номига монанд тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларига кенгроқ имконият ва имтиёзлар яратиб берилди.

Президентимиз томонидан ўтган йилни сарҳисоб қилиш ва 2019 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаш мақсадида 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасини жонли эфирда тақдим қилинди. Бу Мурожаатнома мамлакатимизни янада ривожлантиришимиз учун “дастур” бўлиб, унда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, маърифий соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш, хусусан, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2019 йилда бажарилиши зарур бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мурожаатномани мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ўз фуқаролик позициясига эга ҳар бир ватандошимиз зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ташаббуси билан аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, Олмазор туманида жойлашган умумтаълим мактабларининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда Мирзо Улуғбек туманининг умумтаълим мактаблари Ёшлар етакчилари ва сардорлар учун давра суҳбати ташкил этилди. Шу билан бирга “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар учун семинар ўтказилди.

Семинар ва давра суҳбатларида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари томонидан Мурожаатномада кўзда тутилган мақсад ва вазифалар баён этилди. Унда иқти-

содиёт соҳасида олдимида турган вазифалар, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод маҳалла” дастурларини изчил давом эттириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш каби долзарб вазифалар, замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш, экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси тўғрисида ҳамда очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташки сийёсат соҳасидаги фоллиятни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чораларини кўриш бўйича йўналишлар ёритиб берилди.

Жонли мулоқот тарзида ўтказилган тадбирлар якунида иштирокчилар томонидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Берилган таклифларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Биз бундан буён ҳам Мурожаатнома мазмун-моҳияти, аҳамиятини ёшларимизга чуқур тушутиришда давом этишимиз ҳамда унда белгилаб берилган вазифаларни ижросида фаол қатнашиш учун бор билим ва салоҳиятимизни ишга солишимизни ўз фуқаролик бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

**Шерзод МУҲАМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси томонидан республикамизнинг турли вилоятларида аҳолига кенг кўламдаги хайрия ёрдамлари кўрсатилмоқда.**

### Саховат

## МУРУВВАТДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Жумладан, Жиззах вилояти, Зомин “Мурувват” ногирон аёллар интернет уйи яшовчиларига хайрия акцияси ўтказилди. Хайрия тадбири давомида 326 та ногирон аёлларга совғалар топширилди. Зомин “Мурувват” уйи директори Н.Фозилов Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатасига ҳамкорлиги учун ва ҳомий топишда ташкилотчилик кўрсатгани учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шунингдек, Сирдарё “Мурувват” ногирон аёллар интернет уйи яшовчиларига ҳам хайрия куни ташкил этилди. Хайрия тадбирида 424 та ногирон аёллар — интернет уйи яшовчиларига совға-саломлар улашилди.

Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси томонидан худди шундай тадбир Ўзбекистон Кўзи охизлар жамияти Сирдарё вилоят бўлими тарбияланувчилари билан ҳам ўтказилди.

Тошкентдаги “Самарқанд дарвоза” савдо-кўнгулчор марказида 40 нафар, жумладан жисмоний имкониятлари чекланган болажонлар учун ҳам кўнгулчор хайрия кечаси уюштирилди. Тадбирга шунингдек, республика болалар ижтимоий мослашув маркази қарамағидаги болажонлар ва 21-меҳрибонлик уйи тарбиячилари ҳам таклиф этилди. Шу куни меҳр-мурувватга муҳтож болалар 3D замонавий кўринишда фильм-

ларни мароқ билан томоша қилишди, турли аттракцион ва арғимчоқлари бор ўйингоҳларда ярайб-қувнашди, уларга совғалар топширилди.

— Ўйламанки, саховатпешалик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, — дейди юқоридаги тадбирлар ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси раиси Равшан Изамов. — Ушбу байрамона тадбирнинг болажонлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолиши, уларнинг ҳаётига қўшимча рағбат ва ижобий эмоциялар беришига ишонаман. Биз соғлом кишилар саломатлигида нуқсон бор инсонларни тушунишимиз, уларни қўллаб-қувватлашга интилишимиз лозимдир.

— Бундай қизиқарли сафарларни уюштириш болажонларимиз учун жуда муҳим. Зеро, улар жамиятдан ажралиб қолмаганликларини ҳис этадилар. Ҳамма билан бир қаторда кинотеатрлар, дўконлар, шундай замонавий марказларга боришлари мумкин бўлади, — дейди тадбир қатнашчиси Ҳожиакбар Ниёзовнинг онаси Лобар Умарова.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси томонидан йил давомида мана шундай саховатга йўғрилган хайрия тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

**Даврон НУРМАТОВ**

## НУРЛИ КЕЛАЖАК

**Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган ёшларга оид давлат сийёсатининг асосий йўналишларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.**

Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази шахар бўлими, Ички ишлар бошқармаси мутаасаддилари, Адлия бўлими ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари ўз маърузалари билан қатнашди.

Ўқув-семинарда сўзга

чиққанлар мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, инвестицион жозибадорликни ошириш борасидаги саяё-ҳаракатлар, ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар, таълим тизимидаги янгиликлар, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохот-

ларнинг аҳамияти, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликлар профилактикаси борасида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича маълумотлар бериб ўтдилар.

Семинарда иштирок этган ёшлар тадбир сўнгисида ўзларини қизиқтирган барча саволларига атрофлича жавоб олишди.

**Мухлиса УБАЙДУЛЛАЕВА**

**Туроб Тўла Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарган кезлари бир йилгида ёзувчи Чингиз Айтматов ҳам қатнашган эди. Ана шу мажлисда Ҳожиакбар Мирсаматов гарчи уюшмага аъзо бўлмасда, сўзга чиқиб ҳақиқат ва адолатни юзага чиқариш йўлида ўзининг қимматли ва фойдали фикрларини билдирган эди. Ушунда Чингиз Айтматов: “Ана фидойилик, ана шижоат, ана сизга матонат, ҳақиқий юрт ўғли”, — дея Ҳ.Мирсаматов билан яқиндан танишиб, унга юксак баҳо берган экан.**

Қаҳрамонимиз Ҳожиакбар Мирсаматов Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги “Темирчи” маҳалласида зиёли оилادا 1927 йилда таваллуд топган бўлиб, болалигидан катталар даврасида, зиёлилар суҳбатида ўсиб-ўлғайди. Унинг сўзла-

ри ананс-тиник, ҳаракатлари ҳам пишиқ, гавдасидан полвонларнинг иси келиб турарди. Уша пайтда жамоа ҳўжалиги раиси бўлган Мирсамат ота фарзанди Ҳожиакбарни ҳам маънан, ҳам жисмонан чинқитириб, баркамол воёга етишида замин яратди.

Уша кезлари Янгийўл томондаги деҳқонларнинг Чорсу бозорига ўз махсуслотлари олиб келишлари масофанинг узоқлиги сабабли қийин эди. Шу боис Мирсамат ота оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, хозирги “Фарход” бозорининг барпо бўлишига катта ҳисса қўшган. Чўпонотадаги дала ҳовлиларига Мирсамат отанинг олдиданги маслаҳат олиш учун нафақат зиёлилар, балки полвонлар ҳам келиб туришарди. Мирсаматовларнинг шаҳар ҳовлилари Эски шаҳардаги Сирли масжидга яқин эди. Бу ерда катта кураш сайллари ташкил қилинарди. Ана шундай кураш сайилларида бирида катнашган воқеалик полвонлар бир кун суриштириб, Мирсамат отанинг уйларига келишарди.

Салом-алик ва бир пиёла чойдан сўнг полвонлар гап бошлашарди: “Тошкентда бакуватроқ курашчилар борми, икки кундан бери сайлда бўлдиғу кўнглимиз тўлмади”. Айни шу паллада отанинг ўртанча фарзанди Мираҳмад тунунда отасига овқат олиб келиб қолибди. Мираҳмад ўсимир ёшда бўлсада, қомати келишган, забардаст полвон бўлиб воёга етаётган эди. Мирсамат ота шунда: “Ўғлим, полвон амакини болохонага олиб чиқ”, — дебдилар. Отанинг бир оғиз сўзини ерда қолдирмайдиган Мираҳмад оғирлиги юз қилодан ортик тош босадиган полвонни тирсагидан бир сиққанча ўнг қўли қафтига ўтказиб, болохонага кўтариб қўйганда, нафақат тепадаги, пастда ўтирган курашчилар ҳам хайратда қолиб, “Ўғлингизни курашга беришсангиз бўларкан, зўр полвон чиқади”, дейишибди. Уларга жавобан Мирсамат ака: “Ўғлим ҳали ёш, уни катта темирчиға шоғирдликка берганман, сал каттароқ бўлсин, курашга ҳам берамиз, унинг катта акаси Ҳожиакбарнинг ҳали курашда кураги ерга тегмаган”, — деса, меҳмонлар ўсимир бола шундай забардаст бўлса, катта ўғлингиз ҳақида гапирмасам ҳам бўларкан, деб тан бериб чиқиб кетишган экан.

Ҳайратли қаҳрамонимиз 1947 йили “Локомотив” спорт жамиятида эркин ва классик усулдаги курашда қатнашиб, юқори натижаларни кўрсатади. Уша йили кузда Ҳожиакбар

ҳам ташкил этилади. Дабрий Рябий исми кучли полвон барча рақибларини енгган унга талабдор қолмади. Ушанда 19 ёшли Ҳожимукон дадил даврага чиқиб “Мен курашман”, дейди. Шундан сўнг беллашув бошланади. Чемпион Рябий ҳар қанча ҳаракат қилмасин ёш Ҳожимуконга усул қўллай олмади. Навбат қозоқ полвонига келганда у рақибини бир кўтариб сиққанча уч-тўрт қадам юриб аста ерга қўяди. Мухлисларнинг аса бундан кўнгли тўлмай, бошқатдан курашасиз, деб туриб олишарди. Бу ҳолат иккинчи, учинчи бор тақдорланганда зийрак Дабрий Рябий “Халойик, менинг бутун умрим курашда ўтиб енгилмай келдим ва бу полвоннинг ҳурмати билан енгилмай фаолиятини тутаялман. Аслида у мени силадди. У фоллидир”, дея тан берган экан.

Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг. Орадан анча йиллар ўтиб Ҳожимукон ҳам дунё полвонларини енгиб Тошкентга келганида катта кураш сайлида эмас, кичик даврада ўзининг қистови билан ўтган беллашувда қаҳрамонимиз Ҳожиакбар Мирсаматовга усул қўллаб олмади. Навбат ўзбекининг ёш полвонига келганда Ҳожимуконни даст кўтариб, унинг ҳурматини сақлаган ҳолда аста ерга қўйган экан. Шунда Ҳожимукон ҳам 19 ёшида ўз даврининг енгилмас полвон бўлган Дабрий Рябий билан бўлган курашни бир зум аста олади ҳамда ўзбек полвони самбо кураши устаси Ҳожиакбар Мирсаматовга тан беради. Демакки, ўзбек ўғлонига Ҳожимукондек енгилмас полвоннинг тан берганлиги тарих инкор этолмайдиган ҳақиқатдир.

1950 йилдан 1958 йилгача Ўзбекистон Ички ишлар вазирилик ходимлариға самбо сирларини ўргатган, соёбик иттифок мекёсидаги биринчиликларда гоилибники қўлдан бой бермай келган Ҳожиакбар Мирсаматовнинг соғлиғига 1958 йилги автоҳалокатдан сўнг жиддий зарар етади. Оддий бир хонадонда камтар турмуш тарзини ўтказган қаҳрамонимиз ҳаётининг сўнги дамларигаға юрт келажаги ва равақат борасида фикр юритди. Яъни, Ҳожиакбар ота нафақат спортда, балки ижтимоий турмушда ҳам қўллаб ташкилотларга фойдали маслаҳатларини бериб келди. Жумладан, ўша вақтларда янги ташкил бўлган Ўзбекистон ХДП партияси “Нуроний” жамғармаси ривож йўлида ўзининг қимматли ўғитларини аямди. Отаҳон кекасий, хасталаниб ётиб қолганларида ҳам уйлариға маслаҳат сўраб келганларига қайтармай, қўп инсонларнинг мушқулини осон қилишга сабабчи бўлганлар. Улардан бизға гўзал ахлоқ, темир интизом, ваъдаға вафолли, лафзли бўлиш, бошлаган ишни охириға сифатли етказиш, каттаға ҳурмат, кичкинагиз иззатли бўлиш каби ибратли ҳаёт йўли қолди. Уларнинг қўп ишлатадиган ибратли сўзлари шундан иборат эди: “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, тарих сохталикни кечирмайди, нонингиз оқлаб егин, йимонга, виждонға бой бўл, иродали, бир сўзли ва гайратли бўл”.

Албатта, халқимиз моҳир полвон ва ватанпарвар инсон Ҳожиакбар Мирсаматовнинг хотирасини унутмайди. Хозирда Республика Самбо ассоциацияси томонидан Ҳ.Мирсаматов хотирасига бағишланган самбо бўйича мусобақалар ташкил этиб турилади.

**Шоҳалол ШОЮСУПОВ**

### “101”

## МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ АСРАШ — ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

**Кўп ҳолларда ёнгинларнинг юз беришиға ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Бепарволик оқибатида эса кўплаб нохушликлар келиб чиқади.**

Ёнгин — инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташланиши билан бирға кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Кўриниб турибдики, халқ мулкини “тилсиз ёв”дан муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадға мувофиқ.

**Нодира САЛМАНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, капитан

Ёнгин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир оғатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнгин.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай оғатлар ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслиғимиз, ёш болаларимизға эътибор бермаслиғимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатида юзаға келаётганлигини кўрсатади. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкни хатарға қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари биланчиға, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Шу сабабли доимо қоидаларға амал қилишни унутман!

**Даврон НОРМАТОВ,**  
ЁХБ бошлиғи ўринбосари, подполковник

Бепарволик катта талафотларға олиб келишини ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Оддий қоидаларға риоя қилмаслик — бу тинчлик-осойишталик, қутбарак, ёнғ қадрли ва муқаддас оила, фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамаг айланиб қолиш дегани.

Фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билсалар-да, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт қаҳиш мумкин эмаслиғи, газ қувурларни ўзбошимчилик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда улаб, хонадонини талафотларға олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бундай бўлмаслиғи учун, уйингизда оғат балоси қилмаслиғи учун газдан фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиғи қоидаларига риоя қилишигизни сўраб қоламиз.

**Равшан ХАЙРИЕВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ КБ МТБ инспектори

Ёнгинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмайди. Бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик ёнгинни келтириб чиқаради.

Бу эса моддий зарар қўриш билан бирға жиддий тан жароҳат олишға сабаб бўлмоқда. Шундай экан белгиланган қоидаларға амал қилайлик. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг содир бўлиши, мулк талафоти, инсонларнинг жароҳатланишини олдини олишға нафақат ёнгин хавфсизлиғи хизмати ходимлари, балки ҳар биримиз масъулмиз.

**Расул АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирилик биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Халқ мулки, турар-жойини ёнгин оғатида асраш-да тарғиботнинг ўрни муҳим.

Бундан кўзланган асосий мақсад ёнгинға қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишға аҳолини кенг жалб этишдан иборатдир. Зеро, “тилсиз ёв” билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган широр ҳар бир фуқаро, хонадон, маҳалла, корхона-ташкilot, муассасаға тааллуқли.

**Б.СИДИКОВ,**  
ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнгин хавфсизлиғи хизмати ходимлари ёнгинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари ва корхона, ташкилотларда ўтказаяётган учрашувлар кенг мекёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки фуқароларға ёнгинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнгин хавфсизлиғи хизмати ходимлари, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билишлари мақсад сари қўйилган илк қадам дейиш мумкин.

**Улуғбек АҲМЕДОВ,**  
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант


Куз-қиш мавсумида аҳолининг ёнгин хавфсизлиғи қоидаларига риоя қилишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу бежиз эмас, албатта.

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларға нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эътиёж ортади. Куз охирида, қиш фасли яқинлашиши билан хонадонлар, бошқа халқ ҳўжалиги масканларида иссиқликни кучайтириш мақсадида турли хилдаги иситиш мосламаларидан фойдаланиш бошланади.

Ёнгин хавфсизлиғи қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингиз, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Бобур МУҲАМАДЖОНОВ,**  
Миробод тумани ЁХБ инспектори, катта сержант





**МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР**

Нодон ҳеч қачон феълени ўзгартиришга уринмайди.

Астойдил излаган топмай қўймайди.

Худбинлик нодонликдан.

Жанжал билан иш битмайди.

Жалолiddин Румий айтади: Лукмони Ҳаким илгари бир бойнинг кули эди. Бой ҳам, унинг бошқа куллари ҳам Лукмони Ҳакимни менсимас, назар-писанд қилмас эдилар. Лукмони Ҳаким эса олим, фозил, донишманд бўлиб, ҳоҷаси ва унинг кулларининг камситишларига сира ҳам аҳамият бермай, ўзига юқланган вазифани соф-пок қалб билан адо этарди.

Бир куни бой ўзининг боғида қолган-қутган меваларни териб, келтириш учун ҳамма кулларини боғга юборди. Улар ичида Лукмони Ҳаким ҳам бор эди. Очқўз куллар терган меваларини еб қўйдилар ва бойга:

— Ҳаммамиз терган меваларни Лукмон битта ҳам қолдирмай еб қўйди, — деб Лукмони Ҳаким устидан шикоят қилдилар. Бой қовогини солиб, юзини буриштириб, Лукмони Ҳакимни тергай бошлади. Лукмони Ҳаким бу тухмат кимлар томонидан содир бўлганини билиб ҳоҷасига:

— Ҳозир ҳаммамиз боғдан қайтдик, ҳаммамизга илиқ сув ичириб кенг ерда чоптиринг, сиз отда, бизлар пиёда бўлиб чопайлик, бу чопининг натижасини ўз кўзингиз билан кўрасиз, ким хиёнатчи, ярамас одам эканини биласиз, у вақтда ҳақиқат ошкор бўлади, — деди.

Бой ҳамма кулларига илиқ сув ичишни буюрди. Куллар бойдан кўрқиб илиқ сув ичишга мажбур бўлдилар. Лукмони Ҳаким ҳам ичди. Кейин бой кулларини далага олиб бориб, у ёққа-бу ёққа чоптирди. Куллар чопа-чопа заҳматдан кўнгиллари айнаб, қайт қила бошладилар. Ичилган илиқ сув меъдаларидан меваларни ташқари чиқарди, аммо Лукмони Ҳаким меъдасидан соф тоза сув келди. Лукмоннинг мева емагани, фақат илиқ сув ичиб чопиш заҳматида қайт қилгани ҳожага маълум бўлди. Лукмони Ҳаким ҳикмати бу ҳақиқатни кўрсатди. Тухматчи, илғовар куллар шармандаю шармисор бўлдилар.

Эй инсон, ёмон иш ва ёмон сўз истеъмол қилсанг, жирканчли, ярамас инсонсан. Агар гўзал иш ва сўзлашни ихтиёр қилсанг, ҳаммага мақбул ва марғубсан. Бахтли ва саодатли яшашни истасанг, пок қалбли ва пок виждонли бўл, ёмон ишлардан чекин.

Ўзига ишонмаган шубҳадан холи бўлмайди.

Тамагир устоздан шогирдлари қочади.

Фаросатсиз кишида андиша бўлмайди.

**Футбол янгиликлари**

**ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ТУРКИЯДА**

**Мухлисларга маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз зиммасига 2020 йилда Токиода уюштирилаётган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш вазифаси юклатилган.**

ЎФА томонидан олимпиячиларимизга мазкур нуфузли турнирда қатнашишларига кўмак бериш мақсадида барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Айни кунларда Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз Туркиянинг Анталия шаҳрида ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғинида иштирок этмоқда. Олимпия терма жамоамизга номзод бўлган футболчиларнинг руҳий, жисмоний ҳолатларини кўздан кечириш, терма жамоанинг асосий таркибини аниқлаш мақсадида уюштирилган йиғин доирасида бошқа терма жамоаларга қарши назорат-ўртоқлик баҳслари уюштирилади. Олимпиячиларимиз йиғин доирасида аввалига Словакиянинг 21 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган ёшлар терма жамоаси билан, кейин Озарбайжоннинг "Кешла" клуби, Эроннинг "Сепохон" ҳамда Қозғистоннинг "Тараз" жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувларида майдонга тушилади. Албатта, бу ўйинлар олимпиячиларимиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўташи аниқ.

**ЯГОНА СТАНДАРТ ШРИФТДАН ФОЙДАЛАНИШАДИ**

**ПФЛ Суперлига жамоалари баҳслари трансляциясини янада яхшилаш мақсадида хайрли ишга қўл урди.**

Ўтган йилги футбол баҳслари давомида ўйинни томоша қилаётган ишқибозлар жамоалар футболчилари эғнидаги либосда уларнинг фамилияси ва рақами турли кўринишда ёзилгани сабабли футболчиларни таниб олишда кичик муаммоларга дуч келишди. Чунки клублар формаларида акс этувчи

шрифт ҳар доим ҳам кўзга ташланмайди, ўқилиши содда бўлмайди.

Жорий йилги мавсумдан эътиборан ПФЛ ташаббуси билан Суперлига ва Про-лига "А" гуруҳи клублари форма учун ягона стандарт шрифтдан фойдаланишади. Дарвоқе, Англия,

Португалия, Франция, Испания миллий чемпионатларида аллақачон бу тажрибадан фойдаланилмоқда. Ана шунда стадионда ҳам, телеэкранда ҳам ўйинни томоша қилаётган мухлис футболчиларни қийналмасдан таниб олиш имкониятига эга бўлади.

**ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИДА "ШЕРЛАР" ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ**

**Клуб матбуот хизмати хабарига кўра, "Жар" стадионида ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғини доирасида "Пахтакор" назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашди.**

"Сурхон" жамоасига қарши уюштирилган ўртоқлик баҳсида Драган Черан томонидан дарвозага киритилган ягона гол "Пахтакор"га ғалаба тўхфа этди. Шуниси муҳимки, бу баҳсда ҳар икки клуб мураббийлари футболчиларни синовдан ўтказиб олишди. "Пахтакор" жамоасининг бир нечта футболчилари БААда давом этаётган Осиё кубогига миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилаётганликлари сабабли Туркияда ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғини бе-

кор қилинган эди. Энди пахтакорчилар 25 январь куни Дубай шаҳрига жўнаб кетишади. Дубайда ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғини 6 февралга қадар давом этади. "Пахтакор" клуби раҳбарияти янги мавсумда "Насаф" шарафини ҳимоя қилган дарвозабон Санжар Қувватовни ўз сафига қўшиб олишни режалаштирган. Маълум бўлишча, томонлар ўзаро оғзаки келишувга ҳам эришишган.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

**Ҳаммамиз ҳам бозорга борамиз. Сумкаларимизни тўлдириб, рўзғорга керакли нарсаларни харид қиламиз. Донишмандларимиз бежизга "Онанг бозор, отанг бозор" дейишмаган. Чунки дўкондаги маҳсулотлар бозорга нисбатан биров қимматроқ. Шунинг учун ҳам кундалик турмушимизда кўпчилигимиз керакли маҳсулотларни бозордан сотиб олишни маъқул кўрамиз.**

**Мулоҳаза**

**ҲАММАНИНГ ЎЗИГА ИНСОФ БЕРСИН**

Мен ҳам ҳамма қатори бозорга бораман. Бироқ кўп ҳолларда бозордаги сотувчиларнинг ноинсофлигидан, тарозидан уриб қолишларидан жаҳлим чиқади. Аслида "Тарози — худо рози" дейишади. Бироқ бунга амал қилмайдиганлар кўп узраб туради. Мен бозордан гўшт харид қилганимда сотувчи доим граммидан уриб қолади. Шунинг учун олган гўштни бозор худудидаги "Назорат тарози"га олиб бориб, тортиб кўраман. Бир килограмм деб тортган гўшти 750 грамм ёки 800 грамм чиқади. "Зақончи"лигим тугтиб, яна ўша гўшт сотиб олган сотувчининг ёнига бораман. Кўп ҳолларда мени узокдан кўриши биланок сотувчи қаергадир гумдон бўлади. Атрофдаги ҳамкасбларидан сўрасам "Қарға

қарғанинг кўзини чўқимайди" деганларидек "билмадик" деб қўйишади. Мен ҳам индамасдан кетадиганлар тоифасидан эмасман. Дарҳол ўша бозорнинг бозорқўмига ёки ўша худуддаги солиқ инспекцияси ходимига учрашаман. Кўп ҳолларда муаммони солиқ инспекциясининг ходими ҳал қилиб беради. Мен билан ўша олғир сотувчининг ёнига бориб, гўштни қайтадан тортиб кўриб, яна озгина гўшт қўштириб, бир килограмм ҳолатига

келтириб беради. Сотувчи бўлса мендан ранжиб "Опа ўзингиз кели айтсангиз ҳам шундоғам қўшиб берардим" дейди уялмасдан. Бозордаги солиқ инспекцияси ходимидан бунинг сабабини сўрадим. — Бундай ҳолат бўйича ҳамма ҳам бизга мурожаат қилавермайди, — дейди у. — Бунда харидорнинг ҳам айби бор деб ўйлайман. Чунки бирорта харидор сотувчининг юлғичлигидан, тарозидан уриб қолаётганли-

гидан бизни хабардор қилишмайди. Индамасдан берилган маҳсулотни олиб кетаверишади. Сотувчиларнинг тарозидан уриб қолишга умуман ҳаққи йўқ. Биз доим харидорни ҳимоя қилганмиз. Бу ердаги тadbиркор сотувчиларга эса инсоф сўрашдан чарчаймаймиз.

Бозор мутасаддиси эса ҳар куни тadbиркорларга "Тарозихона" ходими тарози таркатади. Кечкурун эса тарозиларни йиғиштириб олади. Бизнинг тарозиларимиз тўғри тартади. Бозорнинг ўзида ҳам ўз тарозисини олиб келиб, ишлатадиганлар бор. "Бир килограмм" дея 700-800 грамм-дан тортиб берган сотувчилар ҳам онда-сонда бўлсада узраб туради. Агар шундай қилаётганликларига кўзимиз тушиб қолса, дарҳол уларга танбех берамиз, дейиш билан чекланди.

Халқимизда аввало ўзига инсоф берсин, деган гап бор. Шундай экан ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуққини талаб қилган маъқул. Зеро, "бирники мингга, мингники туманга" деган иллатдан қутилиш вақти аллақачон етиб келди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент вилояти Бўқа туманидаги агросаноат ва транспорт касб-хунара коллежи томонидан Аббосов Дурёдон Ойбек ўғли номига 2014 йилда берилган К № 3450663 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти Бўқа туманидаги 2-сон мактаб томонидан 2011 йилда Аббосов Дурёдон Ойбек ўғли номига берилган U № 5137761 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2009 йилда Бегалова Гулнор Арзиқулловна номига берилган № 293557 рақамли диплом кўчирмаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент геодезия ва картография касб-хунара коллежи томонидан Бахрамов Диёсбек Тажитдинович номига 2018 йилда берилган К № 5305639 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент туризм касб-хунара коллежи томонидан 2017 йилда Аминов Илёс Олимович номига берилган К № 4897399 рақамли, (9112-рўйхат рақамли) дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан яқна тартибдаги тadbиркор Махматова Севара Абдурашидовна номига Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳ кўчаси, 15/1-уйда жойлашган "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси" учун 24.11.2017 йилда берилган T S № 0303026-сонли бино-иншоот гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Пудратчи ташкилотлар диққатига!**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, "24/7-электрон офис" шохобчасига (ўртача 20 кв.м., 4х5) Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчасида жойлашган "НУМО" автосалони рўпарасидаги автобус бекати ёнида ажратилган жойга қуриладиган "24/7-электрон офис" шохобчаси учун махсус лицензияси бор, камида 5 йил тажрибага эга қурилиш ташкилотлари ўртасида

**Танлов эълон қилинади**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Уч Қахрамон кўчаси, 7-уй.

Телефонлар: (371) 221-00-01, 221-82-09.

Нархлари фойзда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 5 кун муддат ичида қабул қилинади

Тошкент туризм касб-хунара коллежи томонидан 2004 йилда Курбаналиева Джамила Джумаевна номига берилган К № 061153 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Уста-Ширин 1-тор кўчаси, 293-уй учун "PALMY FLOWER" ХК номига 21.02.2017 йилда берилган, реестр рақами 8-80/2017 бўлган 10:08:03:02:02:00:10 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ

0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 24 январь куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —